# ГААГА КОНВЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА

*Ҳуқуқ ва ҳамкорлик*

Халқаро муносабатларнинг узвий қисми ҳисобланган ўзаро ҳуқуқий ёрдам халқаро хусусий ҳуқуқ билан тартибга солинади ва турли давлатлар адлия маҳкамаларининг ўз вазифаларини амалга оширишида муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳуқуқий ёрдам - бу ўзаро ҳамкорлик принципига асосланиб, давлатлар ўртасида фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича икки томонлама ва кўптомонлама халқаро шартномалар асосида ташкил этилади. Ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш масалаларида адлия органларининг вазифаларидан бири бир давлатнинг суди иккинчи давлат судига айрим процессуал ҳаракатлар - (чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириш, тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, жойга бориб кўриш) ва бошқаларни бажариш тўғрисида топшириқ билан мурожаат қилади. Умумий қоидага биноан суд органлари у ёки бу процессуал ҳаракатларни фақат ўз ҳудудларида бажаришлари мумкин. Чет давлат ҳудудида ушбу ҳаракатларни бажариш учун эса ўша давлатнинг рухсати олиниши лозим. Шундай қилиб, ўз ҳудудидан ташқарида процессуал ҳаракатлар фақат халқаро суд топшириқлари тарзида амалга оширилиши мумкин.

Кўп томонлама халқаро шартномалардан бири 1954 йил 1 мартда қабул қилинган Гаага конвенцияси фуқаролик масалаларига оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси 1996 йилда бу ҳужжатга қўшилди.

Гаага конвенцияси суд топшириқларини юбориш ва ижро этишнинг дипломатик тартибини белгилаган бўлиб, унга кўра манфаатдор адлия муассасаси суд топшириғини тўғридан-тўғри бошқа давлат ваколатли органига эмас, балки Ташқи ишлар вазирлиги орқали дипломатик тартибда юборади. Ушбу тартиб кенг қўлланилаётган бўлса-да, ўзига хос камчиликка эга, яъни узоқ вақт турли идоралардан ўтади.

Ташқи ишлар вазирлигининг ўзидагина дипломатик почта юборишнинг хусусиятлари инобатга олинса, бир ойгача «қолиб кетиши» мумкин. Баъзан суд топшириғи ижро этилиши пайтида унга эҳтиёж қолмаган ҳоллар ҳам учрайди.

Гаага конвенциясидан бошқа иккитомонлама ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда соддалаштирилган усул қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида бир қатор иккитомонлама шартномалар имзолаган - булар Туркия (1994), Латвия, Грузия, Туркманистон, Қирғизистон (1996), Литва, Қозоғистон, Озарбойжон, Хитой (1997), Украина (1998) ва бошқалардир. Кўптомонлама шундай шартномалардан МДҲ давлатларининг 1993 йилда имзолаган конвенцияси ҳам мавжуд. Бу шартномаларда адлия муассасаларининг марказий органлар орқали алоқа ўрнатишлари белгиланган бўлиб, мамлакатимизда улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Республика Бош Прокуратураси ҳисобланади.

Давлатлар ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома тузмаган бўлсалар ёки улар Гаага конвенциясининг иштирокчиси бўлмасалар, суд топшириғи билан мурожаат қилиш зарурати туғилганда, масаланинг ечими қандай бўлади? Бундай шароитда тегишли адлия муассасаларининг мурожаати фақат дипломатик йўллар билан юборилади. Чет давлатларнинг ҳар бир мурожаати бўйича алоҳида қарор қабул қилинади. Бундан ташқари, мурожаатнома йўллаган органлар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича топшириқни стандарт талабларга мос шаклда расмийлаштиришлари тавсия этилади. Яна шундай амалиёт ҳам мавжудки, суд топшириғини ижро этиш мобайнида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида давлатларнинг ташқи ишлар вазирликлари ва элчихоналари тегишли ноталар билан алмашадилар.

Фуқаролик ва оила ишларига доир суд топшириқларини ижро этишга оид муносабатларнинг юқорида санаб ўтилган усуллари ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга. Лекин охир-оқибатда улар фуқароларимизнинг ҳуқуқларини чет элда ҳимоя қилиш масалаларини эпчил ва самарали ҳал этишга имкон яратади.

**Комил РАШИДОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети доценти, юридик фанлари номзоди**

*Катта олимнинг кичик талаба фикрига муносабати*

# ЖУРНАЛИСТИКА: МАҲОРАТ СИРЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароити ишлаб турган журналистларга ва бу касбнинг сир-асрорларини эгаллашга киришган талабаларга янги талаблар қўймоқда. Бу талаблар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор талабларидан келиб чиқади. Ҳозиргача журналистлар тайёрлаш ўқув планида фақат иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича назарий масалаларни ўргатиш кўзда тутиларди. Эндиликда замон талаби журналистдан ҳуқуқий ва иқтисодий билим доирасини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Мисол учун агар мухбирга бирорта зарар кўриб ишлайдиган корхонага бориб, уни даромад оладиган корхоналар даражасига қандай кўтариш кераклиги ҳақида мақола ёзишни топширилса, журналист корхона фаолиятини, бир-икки йиллик маълумотлари асосида иқтисодий таҳлил қилиши лозим. Бунинг учун у корхона баланси, ундаги даромад ва харажатлар йўналиши билан танишиши, меҳнат унумдорлиги даражаси ва бошқа кўрсаткичлар динамикасини ўрганиши, иш ҳақи ва унинг ўз вақтида тўланиши, сотилган товарларга банкдаги ҳисоб варағига ўз вақтида пул ўтказилиши ва ҳоказоларни аниқлаши керак. Буларни ўрганишни мухбир корхона мансуб бўлган саноат тармоғини барча хусусиятлари билан танишишдан бошлаши лозим. Бу масалаларни аниқлаш ундан иқтисодий масалаларни фақат дарсликлардан эмас, балки ҳар бир йўналиш ва кўрсаткич бўйича мавжуд қонунларни ўрганишдан бошлашни талаб қилади. Шу сабабдан ҳам «Инсон ва қонун» газетасида шу йил 24-сонида эълон қилинган ТДЮИ талабаси Д.Азимовнинг «Кўзгу беғубор бўлсин» мақоласида кўтарилган ҳуқуқий таълимнинг журналистика соҳасидаги вазифалари ҳақидаги мулоҳазалари долзарбдир.

Бизнингча, ишни ҳозирда таҳририятларда хизмат қилиб турган журналистларни қайта тайёрлашдан бошлаш керак. Д.Азимов мақоласида тилга олинганидек, уларни 2 ёки 3 ойлик курсларда ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Шунда журналистлар жавоб топа олмаган айрим саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўладилар. Афсуски, ҳозирча уларга бу борада йўл-йўриқ кўрсатадиган ўқув қўлланмаси ёки дарслик яратилгани йўқ. Иккинчидан, ўқув-машғулотлар давомида уларга бирорта корхона ҳаётидан мақола ёзишни топшириш керак. Бажарилган бу вазифа таҳлил қилиниб, дарсда муҳокамадан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ана шундай ижодий жараёнда кўпчилик журналистлар иқтисодий мавзуда мақола ёзиш тажрибасини эгаллашлари мумкин.

Иқтисодий мавзудан кўра жиноий ишлар, қонунбузилишлари ҳақида мақола ёзиш осонроқдай туюлади. Бироқ журналистлар терговчилар билан бирга ишлаб, уларнинг фаолиятларини кузатсалар ёки судда жиноий иш кўрилаётганда иштирок этсалар, инсон тақдирида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган ҳукм чиқаришни бевосита кузатиб борсалар, ўзларининг келгуси фаолиятлари учун тажриба орттириб, билим даражаларини кенгайтирадилар, мақолалар сифатли бўлишига эришадилар. Шу муносабат билан журналистлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда қўшимча иқтисодий ва юридик фанлар киритилса, суд экспертизасига ўхшаш фанлар қисқартириб бўлса-да ўқитилса, иқтисодий ва ҳуқуқшунослик масалалари бўйича алоҳида идораларда амалий машғулотлар уюштирилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Яна бир масалага эътиборни тортмоқчиман. Олдинги йилларда айрим институтларда «Илмий изланиш асослари» фани ўтиларди. Бу фанда илмий тадқиқот натижаларини мақола сифатида расмийлаштиришга аҳамият берилар эди. Афсуски, кейинги пайтларда бу фанни ўқитишга етарли аҳамият берилмай қўйди. Бу фан турли касб (инженерлар, иқтисодчилар) эгаларини мақола ёзиш маҳорати билан таништиришда ёрдам бериш билан бирга, илмий тадқиқот ишларини яхши йўлга қўйишга ижобий таъсир кўрсатади. Назаримизда, «Илмий изланишлар асослари» фанини ўқитишни тиклаш керак.

Кейинги йилларда университет ва институтларда кўп тиражли газеталар чиқаришга етарли эътибор берилмай, бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳатто баъзи институт деворий газеталари ҳам чиқмай қолди. Бундай нашрларнинг чиқиб туриши журналистлик қобилиятига эга турли касб эгаларини аниқлашга ёрдам берган бўларди, қолаверса, бошқа касбларга ихтисослашаётганлар орасида ҳам журналистикага қизиқувчиларни топишга қўмаклашарди. Шу билан бирга, мақола, хабар, интервью ва бошқа жанрларда қалам тебратиш маҳоратидан маълумот берадиган рисолалар нашр қилиниб турилса, бу бўлажак журналист кадрлар учун эмас, балки ҳаваскор мухбирлар учун ҳам қўлланма вазифасини ўтаган бўларди.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор**

*Жиноят ва жазо*

# «ОҚ АЖАЛ» ТАШУВЧИЛАР

**Андижон судида судья Мирзадаврон Ғофуров раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида 553,4 грамм героин гиёвандлик моддасини сотмоқчи бўлган шахслар устидан ҳукм ўқилди. Судланувчилар Александр Бегляров, Ҳоким Содиқов, Муқимжон Аҳмедов, Равшан Дадабоев, Маъмир Маҳмеджоновлар Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳридан номаълум шахслардан сотиб олинган 553,4 грамм героин гиёвандлик воситасини 9 минг 560 АҚШ долларига сотаётган пайтда қўлга тушишган. Жуда кўп миқдордаги бу героин моддаси аслида Ўш шаҳридан контрабанда йўли билан республика давлат божхона постидан олиб ўтилган эди.**

**«Оқ ажал» ташувчилар қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Судланувчилар Александр Бегляровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасини қўллаб, тайин этилган жазоларни бир-бирига қисман қўшиб ўташ учун мол-мулкини мусодара қилиб, 17 йил, Содиқов Ҳоким 16 йил, Муқимжон Аҳмедов 18 йил, Равшан Дадабоев 18 йил, Маъмир Маҳмеджонов 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўталадиган бўлди.**

**Инсонпарвар демократик давлатимизда судланувчиларга тайин этилган жазо муддатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрел кунидаги 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармони қўлланилиб, жазо муддатлари 1/4 га (тўртдан бирга) қисқартирилди.**

**И.. ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Қилмиш-қидирмиш*

# САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Сергей кечаси билан мижжа қоқмай тўлғаниб чиқди. Кўл етмас ҳавойи режалар кўз олдидан бирма-бир ўтса-да, ҳаммаси саробга айланаверди. Сўнгги қолдиқ папиросини тутатиб, икки-уч бор чуқур тортиб, кулдонга эзғилади-да, бошини чангаллаганича, хона бўйлаб асабий юра бошлади. Нима қилмоқ керак? Қандай пул топиш мумкин? Ҳаёлидан кечаётган жавобсиз саволлар уни баттар тушкунликка солар, уйқусизликдан қизарган кўзлари ғазабдан ёнарди...

Ниҳоят, кафтларини бир-бирига уриб, олтин топган одамдай қийқириб юборди. Ҳафта олдин ўртоғи Васяникига меҳмондорчиликка борганида уйининг қўшимча калитини сервант тортмасидан яширинча ўғирлаб олгани эсига тушди. Яшириб қўйган жойидан калитни олиб, бармоғида айлантира бошлади. Юзларига қизил югуриб, кўзларидан уйқу қочди. Ўрнига узала ётиб, режа туза бошлади.

Сергей Багиров, ёши 29 да. Миллати озарбойжон. Ўзбекистон фуқароси. Муқаддам судланмаган. У 1998 йил 28 декабр куни соат 10 ларда Талимаржон шаҳар М.Қурбонов кўчаси 6-уй, 5-хонадонида яшовчи таниши Владимир Изатовнинг уйига аввалроқ ўзи ўғирлаб олган калит билан очиб кириб, бир дона «DAEWOO» русумли видеомагнитафон, бир дона 4000 сўмлик токузатгич, бир дона 350 сўмлик видеотасма ва 12 сўм пул, жами 32362 сўмлик мулкни яширин равишда ўғирлаб жиноят содир қилади.

Воқеадан хабардор бўлган туман ИИБ тезкор гуруҳ вакиллари тезликда жиноят илдизини очишга киришиб, муҳитни, масаланинг муайян томонларини чуқур ўргандилар ва жабрланувчи билан бирга бир корхонада ишлаб, уйига тез-тез келиб-кетиб юрувчи таниши Сергей Багировни ўғирлик содир қилганликда гумон қилишиб, уни қўлга олдилар.

Судланувчи Сергей Багиров дастлабки тергов ва суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ушбу ўғирликдан мақсади янги йилни кўнгилдагидек кутиш, бу учун эса пул топишнинг шундай ярамас йўлини танлаганидан пушаймонлигини айтди. Аммо энди кеч эди. Сергей Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» пункти билан айбдор деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

**Норча АБДУҒАНИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, Нишон туман суди раиси**

# Жамоатчилик кўмагига таяниб...

**Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари томонидан шу йилнинг ўтган олти ойи давомида уюшган жиноятчиликка қарши кураш, муқаддам судланган ўта хавфли шахслар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида мунтазам равишда тезкор қидирув чора-тадбирлари олиб борилди. Шаҳар ҳудудида гиёвандликка қарши кураш етарли даражада ташкил этилганлиги боис ўтган даврда 22 та жиноятчилик ҳолати аниқланди. Гиёванд моддаларини сотиш билан боғлиқ қонунбузарликлар эса 19 тани ташкил этди.**

**-Кейинги 3-4 йил ичида мунтазам кўпайиб келган жиноятчилик жорий йил бошидан кескин камая бошлади, - дейди Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Толиб Сатторов. - Чунки шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Кўмак» маркази ўз иш фаолиятини яхши ташкил этганлиги боис жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлашда ижобий натижаларга эришилаяпти. Бунда А. Пўлатов, И. Ҳакимбоев, Б. Назаров, Қ. Исаков, Д. Умарқулов ва А. Холбеков каби ходимларнинг хизмати таҳсинга лойиқ. Улар томонидан олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида мастлик оқибатида содир этилган фожеалар ўтган йилга нисбатан 10 тага, оғир тан жароҳати етказиш 3 тага, автоуловларни олиб қочиш 3 тага камайиш ҳоллари кузатилди. Шунингдек турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни яхшилаш мақсадида жойларда маҳалла оқсоқоллари билан кенг жамоатчиликка таянган ҳолда бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилди. Шулардан муқаддам судланган шахслар, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар, балоғат ёшига етмаганлар, инспекция ҳисобида турган ўсмирлар билан ишлаш ташкил этилди. Хизматнинг асосий бўғини бўлган участка вакилларининг иш самарадорлиги бирмунча яхшиланди.**

Зоир ХОЛМИРЗАЕВ



Суратларда:





*(Юқорида) Янгийўл шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи участка вакили Собиржон Ҳусанбоев шу маҳалла фаоллари Мелибой Солиҳов ва Раиса Абдуллаевалар билан жамоатчилик кўмагида амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар хусусида фикрлашмоқдалар.*

*Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Толиб Сатторов (чапдан) ва жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Нуъмонали Избосаров хонадондан топилган гиёванд ўсимликни кўздан кечирмоқда.*

(Суратларни муаллиф олган).

*Ҳуқуқий маслаҳатхона*

# ҲАЁТДА БИР ҚАЛҚИДИМ, ЯНА ИШИМ ЎНГЛАНИБ КЕТАРМИКИН?

*Ҳурматли «Инсон ва қонун»!*

Ушбу хатимни ҳуқуқим ва бурчимни тўлароқ англаб етиш учун, келажагимни режалаштириш учун битаяпман. Маълумотим олий, 4 нафар фарзандим бор, мутахассислигим иқтисодчи, сиёсатшунос.

1996 йилда мансабга совуққонлик билан қарашликда айбланиб судландим, 1 йил муддатга иш ҳақимдан 20 фоиз ушлаб қолишга ҳукм этилдим. Ўша йили амнистия акти муносабати билан авф этилдим.

Ушбу жазо ёки судланганлигим мени давлат ташкилотларида масъул вазифада ишлашим учун тўсиқ бўла оладими?

Мабодо шундай бўлса, қайси қонун асос бўла олади ёки менинг келажакдаги фаолиятимга бу нарса таъсир қилмаса, менинг ҳуқуқларимни қайси ташкилот ҳимоя қила олади?

Агар менинг судланганлигим иш фаолиятимга таъсир қилмаса, ниятим давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиш ва давлат ташкилотларида ишлаш. Мабодо, шу сабаб бўлиб ҳокимият аппаратларида ишлаш мумкин бўлмаса, бошқа касб ёки тадбиркорлик орқали ўз фаолиятимни давом эттиришдир.

Агарда судланганлигим давлат идораларида ишлашимга халақит бермаса, лекин менга судланганлигимни рўкач қилиб, тўсқинлик қилишаётган бўлса нима қилишим керак? Сизга ҳурмат билан

**Абдусалом ТОЖИМАТОВ,**
**Андижон вилояти, Булоқбоши тумани Найман қишлоғи**

## Қонун қўллайди, муҳими ўзингизда!

*Муҳтарам Абдусалом! Сизга сўраган саволингиз юзасидан тўла жавоб топишингиз учун Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 45-моддаси, яъни «муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш» ҳақидаги, 77-моддаси, яъни «судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти» борасидаги, 79-моддаси, яъни «судланганликнинг олиб ташланиши» хусусидаги талаблар билан батафсил танишиб чиқишни тавсия қиламиз. Маълумингизким, берилган асосий ва қўшимча жазонинг ижроси, ўталиши, уларнинг олиб ташланиши ҳолатлари қонунда ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашув билан кўриб чиқилади. Сиз тўрт йил илгари хизмат совуққонлиги содир этганлигингиз учун бир йил муддатга жазога тортилган ва Амнистия акти асосида жазодан озод қилинган экансиз. Демак, судланганлигингиз муддати ўтиб кетибди, қолаверса, амнистия акти билан судланганлигингиз олиб ташланибди. 77-модданинг 4-бандига кўра, суд ҳукмидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат - судланганлигингиз ҳуқуқий оқибатлари ҳам бекор бўлибди. Қонун бугун Сизни судланмаган, деб ҳисоблаши мумкин.*

*Хуллас, қилмишингизни тўғри тушуниб, жазодан хулоса чиқариб, халқ ўртасида обрў топиб, ҳаётда «янги довон»ларни забт этишга ҳозир бўлсангиз, парвозлар учун Сизга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, рўкач ҳам қилиниши мумкин эмас. Бу қонун талаби. У эса барчага баробар. Ҳуқуқий давлатда эса ҳар қандай норизолик, ҳуқуқ ва манфаат бузилиши судда ҳимоя қилинади.*

**Таҳририят**

*Темирйўл ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида беқиёс аҳамиятга молик халқ хўжалик тармоғидир. Темир йўлчилар темир йўлларимиздан мамлакатимиз тараққиёти йўлида фойдаланишни кўзлашса, йўловчи ва юкларнинг манзилга соғ ва саломат талофатсиз етказиб қўйишни таъминлаш темир йўл тармоқ милициясининг зиммасида.*

*Миллий темирйўл тармоғимизнинг энг масъулиятли, серқатнов, ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам стратегик жиҳатдан муҳим қисмини қўриқлаш, уларда жамоат тартибини сақлашда Ховос шохбекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимларининг ҳам ҳиссалари катта. Мухбиримиз Ховос шохбекати тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковниги Комил ака Яхшибоевга бир неча саволлар билан мурожаат этди.*

# КЎПДАН ҚУЁН ҚОЧОЛМАС...

*Бизнинг мусоҳаба*

**- Комил ака, аввало Сизларга ишониб топширилган ҳудуд ҳақида қисқача тушунча берсангиз.**

- Бизнинг Ховос тармоғига қарашли темир йўлларимиз миқёси 300 кмдан зиёдроқ. Бекатда уч йўналишдан келган поездлар учрашади. Булар Тошкент, Водий, Самарқанд йўналишлари. Бўлимимизда бир неча ўн нафар ўз ишига, юртига содиқ йигитлар хизмат қилишмоқда. Темирйўл тармоғи ва унинг бекатларидаги барча молу мулк уларнинг зийрак нигоҳлари паноҳида. Ўғирлик, жамоат тартибини бузувчи кимсаларга қарши курашиш ва айниқса, наркотик моддаларни юртимизга олиб кирмоқчи бўлаётганларга қарши муттасил кураш бизнинг асосий фаолиятимиз жабҳаларидир. Жумладан, 1995 йилдаги ўғирлик жинояти умумий жиноятлар миқдорининг асосий қисмини ташкил этган ҳолатдан, бу кўрсаткичнинг 1998 йилда 25 фоизга келтирилганлиги йигитларимизнинг қандай ишлаётганларига ёрқин мисолдир.

**- Комил ака, маънавий баркамоллик деганда нимани тушунасиз?**

- Кўнгилда бу борада айтадиган гапим ниҳоятда кўп. Мен биринчи галда темирйўл транспортидан фойдаланувчи йўловчиларнинг тарбияси масаласи хусусида гапирган бўлур эдим. Жамоат жойида бемалол сигарет, нос чекиш... Ёш-ёш йигитчаларда маданият, атрофдагиларга ҳурмат етишмайди. Аёллар тўғрисида гап кетса, биз эркаклар лоф урамиз, амалда-чи? Уларни эъзозлаяпмизми? Хўш, ёшларнику ёш дейлик, кап-катта эркакларимиз-чи? Ўргатадиган ҳам, ўрнак бўладиган ҳам йўқ. Одамлар тинчлиги учун курашаётган милиция ходими атрофда ўнлаб, юзлаб кишиларнинг томошабин бўлиб туриши... Айтинг, бундай ишлар билан ким шуғулланиши керак? Ҳаммамиз! Президентимиз маънавий баркамоллик масаласини бежиз биринчи даражали масала сифатида кун тартибига қўймаяптилар, ахир!

**- Давримизнинг энг долзарб масаласи хусусида тўхталаяпсиз. Яна қандай муаммолар бор?**

- Э, ука, муаммо десангиз топилади. Аммо қачон уларни ечишга киришамиз. Масалан, минг марта айтилаётган муаммо поездларда озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилишини олинг. Ахир, бу манзара турли инфекцион касалликлар уяси-ку! Ҳайронмиз, қачон темирйўлчилар ташаббусини қўлга олиб, бу борада амалий ишга киришади. Тақиқлаш йўли, замонавий, энг тўғри йўл деб бўлмайди. Ана шу ҳаракатларга рақобат вужудга келтирувчи арзон, тоза, сифатли маҳсулот савдосини йўлга қўйиш керак. Ахир, харидор ҳеч қачон арзони қолиб қимматини, тозаси қолиб ифлосини олмайди-ку. Хўш, солиқ тизимидаги дўстларимиз нега темир йўлларда кам кўринишади?

**- Охирги пайтларда темирйўл бекатлари панжаралар билан ўраб олинаяпти, бунинг сабаби нима?**

- Бундан кутилган биринчи мақсад темирйўлда билетсиз йўловчининг юрмаслигига эришиш. Қолаверса, темирйўл ўзига хос соҳа. Яқинда биз битта тажриба ўтказдик. 3 кун темирйўл бекатида ходимларимизни кўпайтириб, поездга фақат билети бор кишиларни чиқардик. Кассага пул тушуми бирданига 3-4 марта ошиб кетди. Демак, тартибдан давлат ютади. Темирйўлчилар поездга ўтказувчи гуруҳ ишини тўғри йўлга қўйсалар, темирйўл зарар келтирувчи тармоқ бўлмайди. Агар ҳамжиҳат бўлсак, ҳам маблағ кўп тушади, ҳам тартиб бўлади, ҳам жиноятчиликнинг пайи қирқилади. Ахир, халқимиз «Кўпдан қуён қочиб қутулмас», деб бежиз айтмаган.

**Суҳбатдош: Нурмамат АЛМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

Давлат мулкининг ҳамда фуқароларнинг шахсий мол-мулкларининг дахлсизлигини қўриқлаш ҳуқуқ-тартибот органларининг зиммасидаги масъулиятли вазифалардан ҳисобланади. Шундай эзгу мақсадни кўзда тутиб фаолият кўрсатаётган Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бошқармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари жорий йилнинг олти ойи мобайнида давлат, жамоат ва фуқароларнинг хонадонларидаги мулкларини жиноий тажовузлардан ҳимоялаш борасида талай ижобий натижаларга эришдилар. Жумладан, «Қўриқлаш» бошқармаси ходимларининг сергакликлари туфайли 30 апрел куни Қарши шаҳридаги 100-автокорхона ҳайдовчиси С.Жалилов бошқарувидаги автомашинада «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонасига қарашли кўчма колонна бош ҳисобчиси Ф.Хонкелдиев сохта ҳужжатлар асосида 59.491 сўмлик 8200 дона ғиштни олиб кетаётганида қўлга олинди. Косон туманидаги жамоа хўжалигида фуқаролар Ш.Саидов, Ф.Саидов ва Б.Бектаевлар ўзаро тил бириктиришиб, жамоа омборига олиб борилиши керак бўлган 3240 кг. донни ўмаришган чоғда қўлга олинди. Ҳар иккала жиноят иши юзасидан тергов олиб борилмоқда.

### Олий бурч

Булар «Қўриқлаш» бошқармасининг фаолиятида жузъий мисоллар, албатта. Умуман олганда, бошқарманинг фаолияти халқ хўжалиги ташкилотларида, фуқароларимизда қониқиш туғдираётганини қўриқланаётган иншоотлар сонининг ошиб бораётганидан ҳам кузатиш мумкин. Агар бундай иншоотлар ўтган йили 1470 тани ташкил этган бўлса, жорий йилда 642 тага етди.

Бошқарманинг майда ташмачиликка қарши кураш бўлинмаси ходимлари шу йилнинг олти ойи мобайнида ташмачиликка қўл урган 1168 кишини ушлаб, улардан олинган моддий товар бойликларини муассаса ва ташкилотларга қайтаришга муваффақ бўлди. Тўпланган аниқ факт ва ҳужжатларни судга йўллаб, судлар томонидан ҳуқуқбузарлардан 1 миллион 291 минг сўм жарима ундирилди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишлар, мулкнинг шаклидан қатъий назар, дахлсизлигини сақлашни, уни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилишни тақозо этади. Давлат, жамоа ва фуқароларнинг хонадонларидаги мулкларни жиноий тажовузлардан сақлаш борасида «Қўриқлаш» бошқармамиз ходимлари ўзларига юклатилган масъулиятли вазифани тезкорлик билан ҳалол бажаришга ҳар доим тайёрдирлар.

**Исроил ТЎХТАМИШЕВ,**
**Қашқадарё вилоят «Қўриқлаш» бошқармаси бошлиғи муовини, милиция подполковниги**

